



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “25” mart

K-216 -son

Termiz sh.

**Шеробод тумани Кўхитанг массиви “Қаробоғ”
маҳалласи худудидан “SHEROBOD TOSH
QAZHISH MELIORATSIYA” МЧЖга Тош
майдалаш заводи” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи комиссиянинг 2021 йил 26 февралдаги 03-02/175-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 09 мартааги 29-сон хulosasi ва Шеробод тумани ҳокимининг 2021 йил 28 январдаги 01-03/09-сон хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шеробод тумани Кўхитанг массиви “Қаробоғ” маҳалласи худудидан “SHEROBOD TOSH QAZHISH MELIORATSIYA” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1163қ ва 1162қ-дала контурларидаги жами 2,0 гектар яйлов ер майдони “Тош майдалаш заводи” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “SHEROBOD TOSH QAZHISH MELIORATSIYA” МЧЖ ажратилаётган 2,0 гектар яйлов ер майдонида “Тош майдалаш заводи” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 16 669 392 (ўн олти миллион олти юз олтмиш тўққиз минг уч юз тўқсон икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов

